



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

vito.uz

vito\_uz@mail.ru



@Toshkent\_oqshomi



Toshkent oqshomi



t.me/toshkentoqshomi

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ РАСМИЙ ТАЪЛИМ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ЁНДАШУВЛАРИ

Ушбу нуфузли халқаро анжумани ўтказиш ташаббуси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 76-сессияси ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида илгари сурилганди.

Мазкур ташаббус асосида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташкилотчилигида ўтказилган форум БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарнинг Марказий Осиё бўйича минтақавий бюроси, БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, ЮНИСЕФ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси офиси, Европа Кенгаши, Фридрих Эберт жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларация қабул қилинганлигининг ўн йиллигига бағишланган форумда халқаро, минтақавий ва хорижий ташкилотларнинг 100 нафардан ортиқ вакили офлайн ва онлайн тарзда иштирок этмоқда. Форум иштирокчилари сафида, шунингдек, 150 та миллий ташкилотнинг 2 минг нафардан зиёд вакили бор. Улар асосан 20 та вазирлик ва идоралар, юртимизнинг барча ҳудудларидан 50 та олий таълим муассасаси ва илмий ташкилотлар, 60 дан ортиқ фуқаролик жамият институти, жумладан, ёшлар ташкилотлари фаолларидан иборат.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов Глобал форумни очар экан, тадбирни "Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим: декларациядан – амалиётга" шиори асосида ўтказишни таклиф қилди ва бу ташаббус иштирокчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

Маросимда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Фолькер Тюрк видеомурожаати, БМТнинг Ўзбекистондаги Доимий мувофиқлаштирувчиси вази фасини бажарувчи Мунир Мамедзаде табриги, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши раиси, элчи Федерико Вильегас видеомурожаати, ЕХХТ Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Маттео Мекаччи табриги, Европа Кенгаши Инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги бошқармаси бош директори Христос Гьякумоулос видеомурожаати тингланди.

Глобал форумнинг биринчи ялпи мажлисида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг 2005 йилдан буён амалга оширилиши жараёнлари ҳақида сўз борди.

Бунда асосан инсон ҳуқуқлари бўйича самарали таълимга эришиш тамойиллари ва ёндашувлари муҳокама қилинди. Шунингдек, замонавий муаммоларни ҳисобга олган ҳолда, дунёнинг турли ҳудудларида инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасидаги технологияларнинг ривожланиши ва айна со-



Самарқанд шаҳрида "Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим" Глобал форуми ўз ишини бошлади.

ҳада қўлга киритилган ютуқлар, сабоқ ва хулосалар таҳлил этилди.

– Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир, – деди Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов. – Олий Мажлис томонидан 2019 йилда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қондаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури қабул қилинган ва мазкур дастур ижроси бўйича "Йўл харитаси" 2021 йил декабрига қадар тўлиқ бажарилгани буни яққол тасдиқлайди.

Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси доирасида олий ўқув юртлири учун инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув курслари жорий этиш вазифаси белгилаб берилган. Бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 7 июндаги фармойишига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия ташкил этилди. Айна вақтда Миллий комиссия аъзолари иштирокида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мажлисида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва ўқитиш бўлими мувофиқлаштирувчиси Елена Ипполити БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича ташаббуслари амалга оширилиши ҳолатини глобал кўламда таҳлил қилди. Ҳиндистон Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссиясининг Бош қотиби Девендра Кумар Сингх эса онлайн тарзда Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияни амалга ошириш борасида эришилган ютуқлар, мавжуд муаммолар ва истиқболлар ҳақида маъруза қилди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия бўлими кичик ходими Паулина Тандионо БМТ Инсон ҳуқуқлари со-

ҳасидаги Жаҳон таълим дастури тўртинчи босқичининг 2020-2024 йилларда амалга оширилиши жараёнлари хусусида мушоҳада юритди.

Глобал форумнинг кейинги сессиясида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимга минтақавий ёндашувлар кўриб чиқилди.

Халқаро таълим бўйича Америка кенгашлари президенти ва ижрочи директори Дэвид Паттон халқаро таълим олиш имкониятини кенгайтириш истиқболлари, Европа Кенгашининг Одил судлов ва инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича таълим бўлими раҳбари Эва Пастрана онлайн чиқишида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимга европача ёндашув, Ислон ҳамкорлик ташкилоти ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссия раиси Хожо Али Ачикюль бу соҳага ўзи мансуб халқаро ташкилотнинг муносабати хусусида фикр юритди.

Шунингдек, Осиё-Тинч океани Инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот марказининг етакчи тадқиқотчиси Жефферсон Плантилла мазкур минтақада инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим борасида орттирилган ибратли тажрибалар ҳақида онлайн режимда сўзлаб берди.

Россия Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамияти ва инсон ҳуқуқларини ривожлантириш бўйича кенгаш раиси Валерий Фадеев ҳам онлайн маърузасида БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий ҳужжатларини замонавийлик нуқтаи назаридан таҳлил қилди.

Бундан ташқари, форум доирасида "Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги расмий таълим тамойиллари ва ёндашувлари: глобал, минтақавий ва миллий тажриба" мавзусида параллел мажлислар ўтказилди. Уларда технологияларнинг ривожланиши, Интернет-ресурслар ва дунёнинг тез ўзгаришчан геосиёсий манзарасини ҳисобга олган ҳолда, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги расмий ва норасмий таълимга илғор тажриба, инновацион, гендер ҳамда инклюзив ёндашувлар муҳокама қилиниб, айна йўналишдаги янги ташаббуслар тақдим этилди.

Иштирокчиларга инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим мавзусига оид ўндан ортиқ адабиёт ҳамда "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журналининг махсус сони тақдим этилди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,  
ЎЗА муҳбири

### АССАЛОМУ АЛАЙКУМ!

**Китоб варақлашга эринадиган, газета ҳатто пистачиларга ҳам керак эмас деб ўйлайдиган одамлар кўпайган бир замонда яшаймиз... Лекин бир ҳақиқат бор, газета – бу фақат инфорацион ахборот майдони эмас. Газета – маърифат, маънавият ҳамдир! Шундай экан, замон шиддат билан ривожланаётган, ҳамма бир-бири билан мусобақага киришган бир даврда айнан газетга эҳтиёж бор.**

Ҳа бор! У шундай эҳтиёжки, мен уни маънавият деб атайман.

Бир пайтлар шаҳарнинг кўзгуси бўлган "Тошкент оқшоми" газета расталарида кўринмай қолгани ҳеч кимни ташвишлантирмади. Ҳа, ҳеч ким бу ҳақда бонг урмади... Нима бўпти, дунё дард билан курашаётган, қорин ғамда югуриб юрганда газета хаёлга келармиди, дейдиганлар бор. Тан олиш керак, ўша кезларда бутун дунёни ларзага солган ковид балоси бизда ҳам авж олган эди. Лекин бугун шукрки, дардлар чекинди, даволар топилди, эҳтимолки, дард бизга, биз дардга кўниқдик...

1966 йилдан бери узлуксиз чоп этилган "Тошкент оқшоми" пандемия сабабли 2020 йилнинг баҳоридан бошлаб тўхтади.

Бугун дунёнинг етакчи мамлакатларида номдор кундалик нашрлар кўп. Лекин негадир бизда газетага нисбатан оммада узоқлик ҳисси ривожланди. Тўғри, интернет бугун дунёни борича қамраб олди, аммо у газета каби таасурутларни тақдим эта олмаслиги ҳақиқат.

Газета – инфорацион ҳолатини тўлақонли интернетга бўшатиб берди, буни тан олиш керак, лекин унинг таҳлилий майдони ҳамон "ўзида".

Шу маънода бугун ер юзида, хусусан Тошкентда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришлар, ислохотлар, муаммо ва муваффақиятлар бир қадар таҳлилга муҳтож. Қолаверса, Тошкент бугун мегаполисга айланди. Унинг дунё пойтахтлари орасида мавқеи янада шаклланди. Энди шундай гўзал шаҳарнинг ўзига хос наشري бўлмаслиги...

Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Обидовичнинг ташаббуси билан кўҳна пойтахт тарихи ва бугунини ўзида акс эттирувчи, ўша кадрдон нашр "Тошкент оқшоми" – янги жамоа билан иш бошлади. Катта ҳаяжон, анчайин ҳадик ва беҳад умидлар билан чоп этилган "Тошкент оқшоми"нинг илк сони мана қўлингизда... Саҳифаларимизни варақлаганингизда "Тошкент оқшоми"нинг машҳур дарғалари Саъдулла Караматов, Ўткир Ҳошимов, Мухаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид, Тўлқин Расулов, Тўлқин Қозоқбоев, Алиназар Эгамназаров, Акмал Ақромов ва яна қатор, шу газетга меҳри, меҳнати синган устозларнинг тафтини сезсангиз уларга муносиб нимадир айта олган бўламиз.

Энди ҳар hafta Сизни яхши ниятлар билан безовта қилиб турамыз. Саҳифаларимизни варақлаб кетган вақтингизга ачинмасангиз, бу биз учун катта эътироф!

Севдо Ниёзова  
"Тошкент оқшоми" ва  
"Вечерний Ташкент" газеталари  
бош муҳаррири

Расул Кушербоев:

ОДАМЛАР

БИЛАН

АСЛИДА

БИР

ХИЛМИЗ!

Депутат минбари



Бир қарашда соддагина кўринган бу йигит тан олиш керак, халқнинг чинакам вакилига айлана олди. Муаммолар ҳақида гапирадиганлар кўп, лекин уларнинг қаршисига чиқиб, ечим топадиганлар бармоқ билан саноқли. Кушербоев бармоқ билан санарли тоифадаги депутатлар сирасига киради. Расул Кушербоев 1987 йил 12 январда Тошкент вилояти Янгийўл туманида таваллуд топган. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида таҳсил олган. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

### Депутат аслида ким?

Депутат — халқнинг вакили. Демократик давлатларнинг умумий қабул қилган қадриятларидан келиб чиқадиган бўлсак, халқ билан ҳамфикр ҳолда давлат бошқарувини олиб бориш, ишни юритиш нуқтаи назаридан депутатлик институти жорий қилинган. Халқ ўз вакиллари томонидан ўз муаммоларини, таклифларини тақдим этади. Лекин халқда шундай қараш бор, депутат тўғридан-тўғри бориб ҳар қандай муаммони ҳал қилиши керак. Бу нотўғри, ҳар қандай муаммо маълум соҳаларга хос. Шу боисдан ҳам бу ерда масаланинг моҳиятига қараш керак. Депутат бу жараёнда халқнинг фикрини керакли жойларга еткази, муаммони ҳал бўлишида вазиятни назорат қилади.

### Демократия — шаллақилик эмас!

Демократия — бу, аввало, ўзини ҳурмат қилиш дегани. Бақир-чақир, шантаж йўллари... бундай тоифа одамлар ҳамма жойда бор. Мен улар билан тортишмайман, чунки бефойда, тезроқ кутилишга ҳаракат қиламан. Демократия — тартиб, маданият, бир-бирининг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш дегани. Бақир-чақирлар демократиянинг қолипига сиғмайди. Бу қандайдир девирсион кучларнинг ҳаракати бўлиши мумкин. Яъни улар мана шу йўлдан фойдаланиб, тушунчаларни ўзгартириш орқали ўз манфаатларини илгари суради. Аслида бу ўйин. Бу ишлар учун одамлар ёлла-нади.

### Мақсадлар худуди кенгайди

Илгари дастлабки қадамларимда бирор-бир муаммони ҳал қилганимда хурсанд бўлганман. Бу жуда ажойиб ҳолат. Аслида бу кайфият жуда узоқ давом этмайди. Чунки муаммолар кўп. Ҳозир ҳар бир жараёни одадий бўлиши керак бўлган ишдек қабул қилинган. Чунки мен аввалгидек битта-иккита иш билан чегараланишни истамайман. Мақсадлар худуди кенгайди. Барибир кимдир раҳмат дейиши ёқимли... Машаққатига келсак, уни фақат ўзим биланман. Одамлар билан аслида бир хилмиз. Уларнинг муаммолари менда ҳам бор. Масалан, ҳозир ҳаммани қийнаётган энергия масаласи мени ҳам безовта қилипти.

### Режали иш бузилмас!

Фақат режа билан иш қиламан. Қабул кунларим аниқ кун ва соатларга белгиланган. Бошида режасиз ишладим, юзлаб одамларни эшитдим, аммо муаммоларга ечим топиш ҳам бетартиб бўлди. Охири кунла-

римни аниқ вазифаларга бўлдим. Баъзида дам олиш кунлари ҳам уйимга одамлар мурожаатлар билан келади, баъзида бу малол келади. Аммо эшитаман, ҳал қилиш қўлимдан келса ёрдам берман. Қабул кунларида эшитилган муаммоларнинг ечими натижалроқ бўлади. Сўнгги пайтларда тўй-ҳашамларга ҳам кам бораман, ўша ерда ҳам мени депутат сифатида қабул қилади ва муаммолардан гап бошлайди. Баъзи кунлари тобим ҳам бўлмай қолади. Одам 7 кун, 24 соат ишлай олмас экан.

### “Қармоқдаги масалалар”

Қармоғимда навбат кутиб турган муаммолар бор. Масалан, 2 ёшгача болалар пулини бериш масаласи... Оилаларнинг ижтимоий келиб-чиқишидан қатъи назар, шу масалага ечим топиш керак. Китоблар ижарасини ҳал қилиш ҳам осон бўлмади. Яна ўзимнинг сайлов округимда ҳам қармоққа илиниб, ечимини кутаётган муаммолар бор.

### Алишер Қодиров... Ҳамманинг ўз йўли бор

Алишер ака билан аввал муносабатларимиз яхши эди. Муаммоли масалалар бўйича фикрлашиб, маслаҳатлашиб турардик. Ҳозир у

киши партия раиси... бир-иккита масалада келишолмай қолдик. Менинг назаримда келишилган вазиятларда томонлар мавжуд қоидаларга риоя қилиши керак. Лекин мен уларни рақобатчи сифатида кўрмайман. Ҳамманинг ўз йўли бор.

### Мен бу мен!

Мен ишда жиддийман. Иш вақтим тугагач, менинг ҳам кулишга ҳаққим бор. “Браво” жамоаси менга чиқишди ва репетициясига таклиф қилди. Бордим, борсам, бир йигит менинг образимда чиқиб келди. Менга ёқмади ва ўзим чиқишим мумкинлигини айтдим. Балки кимгадир бу чиқишим ёқмагандир. Лекин мен у ерга иш вақтим тугагач борганман (кулиб).

### ... қониқмаслик ҳисси кучли

Ҳали кўп иш қилмадим, қониқмаслик ҳисси кучли. Менинг ёшимда дунёда қандай катта лойиҳаларни амалга ошираётганлар бор. Лекин охириги пайтларда жуда кўп ҳолатларда ҳафсалам пир бўляпти. Йигирма ёшимда қиламан деган ишларим бор эди... Ҳаммасини вақт кўрсатади.



Интервьюнинг тўлиқ қисми  
VTTO.UZ сайтида



Оқ йўл  
сенга

## TOSHKENT OQSHOMI



— “Тошкент оқшоми” газетаси яна қўлимизга тегаётганидан хурсанд бўлдим. Ҳануз эсимда 14-15 ёшимда “Тошкент оқшоми” газетаси 1966 йилда зилзила рўй берганидан сўнг, дастлаб “Бинокор” номи билан нашр қилинган.

Устозим Шухрат Қосимов ушбу газетага бош-қош бўлганлар. Кейинчалик эса “Тошкент оқшоми” номи билан бу газета узоқ йиллар давомида чоп этилди. Газета чиқиши билан киоскаларда муштарийлар навбатга туриб олишарди. Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб мен ҳам маънавий, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ҳамда халқаро майдонда рўй бераётган сиёсий жараёнлар билан боғлиқ жуда кўп мақолалар билан газета саҳифаларида “кўриниш” бериб турардим. Шу ўринда, газетанинг номи бевосита пойтахт билан боғлиқ бўлса-да, республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам “Тошкент оқшоми”ни севиб ўқишларига гувоҳ бўлганимни ҳам алоҳида айтиб ўтаман.

Яна қадрдон нашрнинг қайтганидан хурсандман. Оқ йўл сенга “Тошкент оқшоми”!

**Қобилбек КАРИМБЕКОВ,**  
ЎзМТРК сиёсий шарҳловчиси,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган журналист, “Шухрат”  
медали соҳиби, ЮНЕСКО академиги



— Бир вақтлар бўлган, одамлар “Тошкент оқшоми” сисиз яшай олмасди гўё. Газета сотадиган дўконларда узун навбатда турганларнинг аксари “Тошкент оқшоми”нинг муштарийлари бўларди.

Пойтахтда бўлаётган ҳамма воқеалар, қизиқарли хабарлар мана шу газетада чоп этиларди. “Тошкент оқшоми” кундалик нашр бўлиб, ундаги маълумотлар энг ишончли ҳисобланарди. Агар шу газетада шеърингиз, мақола ёки ҳикоянгиз босилса, эртасига машҳур одамга айланар эдингиз. Рост, шу қадар ўқувчиси кўп эди. Биз ниҳоятда дилга яқин, дилкаш газетамизни бир қанча вақт йўқотиб қўйдик. “Тошкент оқшоми” газетаси яна қайта умр кўраётганини эшитиб жуда ҳам хурсанд бўлдим.

Тошкент шаҳри — бу Ватанимизнинг жони, республикамиз пойтахти. Ана шу жонажон шаҳримизнинг виждони бўлган “Тошкент оқшоми” билан яна юз кўришаётганимиздан миннатдорман. Газетанинг умри узоқ бўлсин. Чунки, ҳақиқат эгилиши мумкин, аммо у синмайди. “Тошкент оқшоми” газетаси пойтахтнинг юраги бўлиб уриб туришига тилақдошман. Омад ёр бўлсин!

**Фарида АФРЎЗ,**  
шоира



“Тошкент оқшоми” газетаси ўтган икки ярим йиллик тўхталишдан сўнг ва ниҳоят яна нашр этилаётгани, чоп этилганда ҳам ўзига хос дизайн, кўриниш, бой мундарижа билан муҳтарам газетхонлар эътиборига ҳавола этилаётгани шунчаки воқелик эмас, балки бугунги ўзбек матбуотининг ютуғи, унга кўрсатилаётган эътиборнинг бир

кўринишидир, десак хато бўлмайди. Ушбу газетанинг пойтахтимиз ҳаётини ёритишдаги ўрни унинг илк сонларида босилган мақолалар мисолида ҳам айтиш мумкин. Газетанинг дастлабки сони 1966 йилнинг 1 июлида дунё юзини кўрган бўлса, унинг илк сонларида 1966 йил 26 апрель куни Тошкент шаҳрида бўлган зилзила, унинг оқибатлари, фалокат қандай содир бўлган, шу каби зилзилалар аввал ҳам бўлганми, зилзиладан кейин Тошкент шаҳрини қайта тиклаш ишларида кимлар жонбозлик кўрсатгани каби саволларга тарихий маълумотлар асосида жавоб берилганлигини ўқиш мумкин. Бундай маълумотлар Тошкентнинг яқин ўтмишда бошидан кечирган ҳаётини ўрганишда муҳим ўринга эгадир. Ундан ташқари, ярим асрдан зиёд тарихга эга ушбу газета қанчадан — қанча журналист, шоир-ёзувчиларга мактаб вазифасини ўтамади дейсиз?! Газета бундан буён ҳам шу вазифаларни ортиги билан бажаради ва энг муҳими, ўз саҳифаларида муҳтарам халқимиз, азиз муштарийлар учун манзур бўладиган бир биридан қизиқ материаллар бериб боради, деган умиддамиз. Пойтахтимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, спорт ва маданий ҳаётдан ташқари бир-биридан гўзал адабий-суҳбатлар, бадиий-публицистик материаллар, ҳикоя, очерк ва бадиалар ҳам газета саҳифаларидан ўрин олишига ишонамиз.

**Шухрат ҲАЙИТОВ,**  
филология фанлари бўйича  
фалсафа доктори «O'zbekiston tarixi»  
телеканални директори



— “Тошкент оқшоми” газетаси яна фаолиятини тиклаётганини эшитиб, илиқ хотиралар ёдимга тушди. Бу хотиралар XVIII асрда дунёга келган бувам Мираҳмедов Миркарим ота билан боғлиқ. Бувам Ўзбекистонда араб алифбосидан сўнг тахминан 1927 йилларда

жорий этилган лотин алифбосининг ҳаммуаллифларидан бири бўлган. Эсламан, бувам 94 ёшга тўлганида ҳам эрталаб туриб, ювиниб-тараниб, оқ кўйлак, костюшимларини кийиб, галстук тақарди ва ўтириб газета мутолаа қиларди. Мутолаани айнан “Тошкент оқшоми”дан бошларди. Газетадаги муҳим, ибратли жумлаларнинг тагига чизиб, менга ўқитарди. Айтиш жоизки, айнан шу мутолаа сабаб менинг дунёқарашим, тафаккурим шаклланган. Газета ўқиш менга жамиятда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий, иқтисодий жараёнларни англашимга катта ёрдам берди. Ва ўйлашимча, бугунги кунда эришган ютуқларим, муваффақиятларим “Тошкент оқшоми” газетасини мутолаа қилиш натижасида шаклланган тафаккурим сабаблидир. “Тошкент оқшоми” газетаси шиддатли ахборотлар замонида барча оммавий ахборот воситалари билан рақобат қила оладиган нашр бўлишига тилақдошман. Босма нашр билан бирга интернет сайти орқали ҳам долзарб, қизиқарли ва тезкор маълумотларни кутиб қоламиз. Газета ижодкорларига муваффақият тилайман.

**Бобур РАСУЛОВ,**  
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар  
кенгаши депутати



— “Тошкент оқшоми” газетаси бошқа оммавий ахборот воситалари ичида долзарблиги билан алоҳида ажралиб турарди. Долзарблиги шундаки, “Тошкент оқшоми” кун давомида бўлган воқеаларни кечқурун ўқувчиларига етказиб берарди. Телевидение ўша пайтларда аввал ёзиб олиб, сўнг эфирга бергунича

вақт ўтарди. Шу сабабли ҳам бу таҳририятда энг тезкор, энг қалами ўткир журналистлар фаолият юритарди. Улар биринчи навбатда бераётган материалнинг тезкорлигини таъминлаш билан бирга пойтахт ҳаётида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни рўйи-рост ёритиб беришни мақсад қилганди. “Тошкент оқшоми”, “Вечерний Ташкент” газеталари фаолиятини бошлаганидан буён турли раҳбарлар бошчилигида чоп этилган. Ва уларнинг ҳар бири ўз даврининг маҳорат эгалари! Газетани бошқарган барча бош муҳаррирлар аввалги раҳбарнинг ижобий ишларини давом эттириб, тақомиллаштириб боришган.

Мен “Тошкент оқшоми”, “Вечерний Ташкент” газеталари ўз фаолиятини қайта тиклаётганидан жуда хурсандман. Боиси, “Тошкент оқшоми” газетаси доимо талаб даражасидаги, ўз ўқувчиларига эга матбуот нашри бўлган. Ўйламанки, ўз фаолиятини қайта бошлаган мазкур газета ана шу аъналарга содиқ қолади. Қолаверса, “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарининг адади аввалги йилларга нисбатан юқори бўлиши керак. Сабаби, унда Янги Ўзбекистоннинг муаззам пойтахтидаги ислохотлар ёритилади.

**Насиба ИБРОҲИМОВА,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист,  
Ўз МТРК фахрийси



— Раҳматли ота-онам ҳар куни “Тошкент оқшоми”ни ўқирди. Шу сабабли бизнинг ҳам меҳримиз тушган бу нашрга. Заводда ишлаган пайтларимда ҳам уйга қайтаётганимда, албатта “Тошкент оқшоми”ни сотиб олардим. Газета — пойтахтнинг кўзгуси эди. Сўнгги йилларда ушбу газета чиқмай қолганига афсусланиб, хафа бўлиб юрган эдик. Янгиликни эшитиб тўлқинланиб кетдим. Бошқалар учун қандай билмадим, аммо мен учун “Тошкент оқшоми” жуда қадрдон газета. Бу нашрни тиклаш ташаббуси билан чиққан инсонлардан миннатдорман. “Тошкент оқшоми” яна ўз ўрни ва мавқеини тиклашига тилақдошман.

**Тошпўлат МАТИБАЕВ,**  
Ўзбекистон “Адолат” СДП  
Миробод тумани Кенгаши  
раиси, “Ўзбекистон темир  
йўллари” акциядорлик жамияти  
Темирйўлчилар  
касаба уюшмаси  
Республика  
Кенгашига қарашли  
“Сихатгоҳ”  
санаторийси бош  
шифокори



*Ўша самимий чехра,  
ўша таниш нигоҳ...  
Гоҳида табассум билан,  
гоҳида минг бир хаёл  
билан йўлимиздан  
чиқади. Мирза! Уни  
билганлар, таниганлар  
шундай яқин тутади,  
бир марта учрашиб, қўл  
олишмаган бўлса-да,  
мухлис бўлиб, дўст  
бўлиб шундай аташади.  
Қисматни қарангки,  
қаҳрамонимизни отаси  
ҳаётининг сўнгги  
кунларида билиб-билмай  
ўн бир фарзандининг  
тўққизинчисини  
“АРТИСТ” деб ёнларига  
чорлаган эканлар. Бугун  
ўша “артист” — эл  
ардоғидаги санъаткор,  
сўз устаси,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган артист  
Мирзабек Холмедов!*

#### Катта сахнадаги илк қадамлар

Катта сахнанинг илк ҳаяжонлари... Албатта, у кунларни унутиб бўларканми?! Илк бор санъат саройларининг сахнасига 1986 йилда қадамимиз етган. Тўхтамурод Азизов, Обид Асомов, Ботир Муҳаммадхўжаев, Собит Асомов ва мен биргалашиб томошалар қўя бошлаганмиз. Тўхтамурод ака ёши катта бўлгани учун бизга бош бўлганди. Кейин таклифим билан жамоани “Кўзгу” деб номлаганмиз. Асосий томошаларга режиссёрлик қилардим, берилган гоёларни сахнага мослаб кулгига жиддий муаммоларни омухта қилардик.

#### Икки кўчқорнинг калласи битта қозонда қайнамайди...

Обиджон билан бирга ўша пайтлар сиёсатдан, турли муаммолардан сахналарда гапирардик. Ижтимоий муаммоларни кўп олиб чиқдик. Бизнинг гап-сўзларимизни биров рандалаб, таҳрирлаб бериши шарт эмасди. Милтиқнинг ўқидек турардик. Обиджон ҳам, мен ҳам ўз тафаккуримиз билан иш қила оладиган йигитлар эдик. Истеъдоди бор инсон маслаҳат олиши мумкин, лекин бировнинг ақли билан иш қилмайди. Саҳна мардумайдон! “Кўзгу”да ёмон ижод қилмадик. Тан олиш керак, иккита кўчқорнинг калласи битта қозонда қайнамайди. Иш, ижод бор жойда тортишувлар, баҳсларнинг бўлиши табиий ҳол. Баъзида гап-сўзлар қочиб қолиши мумкин. Бу ижодий жараёндаги юз бериши керак бўлган ҳолатлар. Фурсати келиб Обиджон ўзининг шогирдлари билан, мен эса ўз шогирдларим билан ижодни давом эттирдик. “Мирзо” театрига Шукрулло Исроилов, Валижон Шамшиев, Матёкуб Матчонов келди. Спектаклларимизга Ўзбекистон халқ артисти Бахтиёр Ихтиёров, акамиз Болтавой Тошматовни таклиф қилдик. Кейинчалик Маъмуржон Холмедов, Ботир Имомхўжаев, Ҳалимаҳон, Муҳаммадисо Абдулхаиров, Шуҳрат Азимов,



МИРЗАБЕК ХОЛМЕДОВ:

## “ДИЛОЗОРДАН ХУДО БЕЗОР...”

кейин ўғилларим Ойбек, Улуғбек сафимизга қўшилди.

#### “Бир тарсаки”нинг таъсири

Ўша йилларда мен Муқимий номидаги мусиқали театрда ҳам ишлардим. Роса мен ҳақимда ёздагидан пайтлар... “аямасдан ёзишарди”. “Бир тарсаки” деган танқидий мақола чиққандан кейин ариза ёзиб кетишимга тўғри келган. Театрнинг у пайтдаги раҳбари Ўзбекистон халқ артисти Хусан Шарипов эди. Кейин “Ёш гвардия” театрига сахна ишчиси бўлиб ишга кирдим. Сабаби упайтларда устидан ёзилган одамнинг ишга олиниши жуда муаммо эди, “халқ душманидек” кўринарди.



**Рустам Фойпов:**  
— Мирзабек Холмедов шеър кўтариб келди. Шу шеърдан “Даврага туш” деган қўшиғимиз яралган. Ҳали-ҳануз куйлаймиз. Шу баҳона танишдик, бугунгача дўстмиз. Мирзабекда Худо берган истеъдод бор. Шу кунгача тўртта шеър берди, шу тўртта шеърини қўшиқ қилиб куйладик. Энди қаранг, замонавий шоирлар менга тўрттадан китоб берди, лекин биттаси ҳам қўшиқ бўлмади.



**Валижон Шамшиев:**  
— Мирзабек акани олтимиш ёшда деб айтолмайман, қилган ижодий ишларига қараб тўқсонни урган дейман. Саҳнада, кинода, дубляжда... Бағрикенг инсон, келганни қайтармайди, ўзида борини беради.



**Фаррух Зокиров**  
**Ўзбекистон халқ артисти:**  
— Санъаткор учун энг катта унвон халқнинг эътибори! Бу унвонни пулга сотиб ололмайсиз. Мирзабекда халқнинг меҳри, эътибори бор.



**Ўткир Муҳаммадхўжаев:**  
— Бир пайтлар одамлар “Мирза зўрми, Обид зўрми”, деган маънодаги баҳсларни кўп гапирар эди. 1985-86 йиллар эди, адашмасам. Обид Асомов санъатга энди қадам қўйган кезлари... У пайтда Мирзабек Холмедов юлдуз эди. Тўйларга келса одам тўйхоналарга сиғмасди. Шу санъаткорни вақтига қараб тўй қиладиган одамлар ҳам бор эди. Обид ака доим “Мирзабек Холмедов менинг устозим”, деб айтган. Мирзабек акам даврага кириб келса, Обид ака бошчилигида ҳаммамиз ўрнимиздан турардик. Бу икки санъаткор доим ўзаро ҳурматни сақлаган. Биз ҳаммиша устозларга ҳавасда бўлганмиз.

Ҳозир замон бошқа, бугун ёзилса, эртасига унутилиб кетяпти... Саҳна ишчиси бўлиб юрган кезларим халқ орасида “Мирза” деган номимиз чиққан эди. Кейин шу театрда режиссёр Баҳодир Йўлдошевнинг спектаклларида қатор ролларни ўйнаганман.

#### “Кўзларим йўлингда...”

Фарҳод Мусахонов мен учун ёзган экан сценарийни. Лекин Бадиий кенгаш мени эмас, Ботир Зокировнинг ўғли, дўстим Бахтиёр Зокировни тавсия қилибди. Бахтиёр зўр инсон эди (Аллоҳ раҳмат қилсин). Хуллас, Фарҳод ака уларнинг таклифига рози бўлмасдан сценарийни қайтариб олиб кетган. Орадан йиллар ўтиб, 1996 йилда режиссёр Мэлис Абзалов шу фильмини сурагга олди. Тақдиримда бор экан, бош роль менга насиб қилди.

#### ...жиддий гапи бўлиши шарт

Енгил-елпи кулги бор, сатира бор, юмор бор... Ҳар бир кулгининг тагида жиддий гапи бўлиши шарт. Мақсад билан сахнага чиқиш керак, мақсад билан бир сўз айтиш керак. Тарбиясиз одам сахнага чиқмагани маъқул, чунки ҳар бир айтилаётган латифанинг ўз вазифаси бор.

#### ...яхши гапдан қолмайлик!

Жаҳл уч кунгача... тўғри, бир пайтлар биттасига уч йил жаҳл қилдим. Эсимдан чиқардим... Дилозордан Худо безор... Ҳозир бир кунда унутамаман. Кечиринг осон экан деб ўйламасин яна... ҳаммасига ўз вақтида жавобини бераман. Лекин бировнинг дилига ноҳақ озор беришдан қўрқаман. Бировга

ёмонлик қилсангиз айланиб ўзингизга қайтади. Яхшилиқдан, яхши гапдан қолмайлик.

#### Худо азиз қилсин!

Худо азиз қилса тўйга борасиз, Худо азиз қилса масжидга кирасиз... Мен эл-юртнинг ичида юрганга анча бўлди. Ўзбекнинг меҳри билан юрибман, манманлик Яратганга хос. Санъатга нисбатан жуда кўп гаплар бўлди-ку... “санъат яхши иш эмас экан, биз ташладик”, деган маънода... хафа бўлдим, жуда хафа бўлдим. “Санъаткорнинг қилган иши ўғирликка ўхшайди”, деган гаплардан оғриндим. Устозим Фозил қори Ёсин ўғли: “Мирзабек, мен ҳам сиздан кўп нарсга ўрганганман, ҳазил-ҳазил билан жиддий гапларни айтасиз”, деган эди. Санъат ҳаммага ҳам ато этилмайди, кимга берилган бўлса, қадрласин, манманликка берилмасин.

#### “Қишимизни яшаймиз...”

Онам раҳматли эшикка чиқиб кутиб ўтирарди. “Соғ-саломат келдингми”, дерди. Қаранг, саломат келиш ҳам қийин эди у пайтлар. Ҳар бир маҳалланинг зўравонлари бўларди, бир кунда ўн тўртталаб хизматларга боришга мажбур эдик, тонгга қадар кўчада қолиб кетардик... Умр ўтиб кетяпти, баҳоримиз, ёзимиз, кузимиз ўтди. Қишимизни яшаймиз... Бу йўлларда қадрдонларни топдик, тақдир тақозоси билан яқинларни, дўстларни йўқотдик... Лекин қалбимизда шукр бор, агар бугун элда азиз бўлса, буларнинг бари меҳнатларимиз ортидан олган дуолар, тоза ниятлар сабаб... Ҳаммамиз шу хулосага вақти билан етиб келар эканмиз...

#### “Мирзанинг маҳалласиданман...”

Ҳар бир кунимдан розиман. Бир пайтлар мен Турғун Азизовнинг, олим Қодир Ҳайитметовнинг маҳалласида яшайман, деб мақтанардик. Тақдирни қарангки, энди “Мирзанинг маҳалласиданман”, дейишади... Одамдан яхши ном қолсин...



Тошкентга саёҳат

## ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ ПОЙТАХТИМИЗ ТАРИХИНИНГ ЁРҚИН САҲИФАСИ!

Метрополитен Марказий Осиё ху-  
дида биринчи бўлиб Тошкент кўчалари-  
да пайдо бўлган! Бу воқеа бундан қирқ  
беш йил муқаддам аниқроқ айтсак, 1977  
йилнинг 6 ноябрида юз берган. Тош-  
кентликлар учун бу катта воқеа эди. Узун-  
лиги 12.2 км ташкил қилган чилонзор  
метро йўналиши дастлаб тўққиз бекат-  
дан иборат эди. Ҳозирги кунга келиб  
Тошкент метроси тўртта асосий — Чилон-  
зор, Ўзбекистон, Юнусобод ва Ер усти  
ҳалқа йўналишларига эга. Ушбу тўртта  
асосий йўналишларда қирқ учта бекат  
бор. Бугун Тошкент метрополитенининг  
узунлиги 59.5 кмни ташкил қилади.

Режага кўра, яқин йилларда Чилон-  
зор йўналишининг давоми сифатида  
қурилган Сергели йўналишларига боғ-  
ловчи яна етти бекат қурилади.

Ҳозирги кунга келиб Тошкент метро-  
политенида беш мингга яқин ишчи ходим-  
лар тонги соат 05:00 дан то тунги соат  
00:00 гача йўловчиларга хизмат кўрсатади.  
2019-2021 йилларда Россиянинг  
«Метровагонмаш» компаниясидан 15 та  
янги ҳаракат тартиблари харид қилин-  
ди ва эски ҳаракат тартиблари фойда-  
ланишдан чиқарилди натижада, поез-  
дларнинг умумий сони 64 тага етди.

Сўнги пайтларда «фалон бекат тўхтаб  
қолди, фалон бекатда узилишлар

бўлди», деган гап-сўзлар қулоққа тез-  
тез чалинадиган бўлди. Автобусларнинг  
бузилиши, трамвай йўлларидаги узи-  
лишларни оддий қабул қиладиган йўлов-  
чи учун метро бекатларидаги носозлик-  
лар бироз ғалати туюлди. Ҳар ҳолда мет-  
ро шу кунларгача тошкентликларнинг  
ишончини ҳар томонлама оқлаган эди.

Айни кунларда йўловчилар сони бир  
кунда 550 - 600 минг нафарни ташкил  
қилмоқда. Йўловчилар сонининг  
кўпчилиги бўйича Чилонзор йўналиши  
биринчи ўринда. Бунинг асосий саба-  
би айнан шу йўналиш бекатларида  
кўплаб олий таълим муассасалари, мак-  
таблар, кўнгилочар мажмуалар, хиё-  
бонлар, давлат корхоналари ва идо-  
ралари, савдо марказлари ва бошқа  
жўлаб эътиборга молик объектлар  
жойлашган. Йўловчилар сизимини ка-  
майтириш, сифатли ва тез хизмат  
кўрсатиш мақсадида эрталаб Чилонзор  
йўналишида поездларнинг ҳаракат ин-  
тервали 2-3 дақиқани ташкил қилади.  
Йўловчиларнинг оқимига қараб бошқа  
йўналишларда ҳам ҳаракат интервал-  
лари белгиланган. Масалан, ушбу вақ-  
тда Ўзбекистон йўналишида оралик  
вақтлар 3-4, Юнусобод йўналишида 6-  
7, Ер усти ҳалқа йўлида эса 8-10 да-  
қиқани ташкил этади.

Елим жетонлар! Метро дейилганда  
дарров кўз ўнгимизга айнан улар ке-  
ларди. Лекин ҳозирда йўловчилар бир  
марталик QR кодли чипталардан фой-  
даланмоқда.

Бир марталик QR кодли чипта кун-  
нинг қайси қисмида ва айнан қайси  
бекатларда йўловчилар оқими кўпайи-  
шини аниқлашда, поездлар ҳаракат  
графикини тўғри тақсимлашда муносиб  
хизмат қилади.

Бундан ташқари метрополитен хиз-  
мати учун АТТО транспорт картаси ёки  
смартфонга махсус дастурларни ўрнат-  
ган ҳолда ҳам тўловни амалга оши-  
риш мумкин.

Тошкент метрополитенидан пенсионер  
ва ногиронлиги бор шахслар ҳар куни  
соат 10:00 дан 16:00 гача бепул фой-  
даланиш имтиёзлари бор.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам метро йўлов-  
чилар учун энг қулай, хавфсиз, тезкор  
ва арзон транспорт турларидан бири  
бўлиб қолмоқда. Шахримиз фуқарола-  
ри орасида ўтказилган сўровномамизга  
кўра, ҳар ўн та йўловчининг саккизтаси  
деярли ҳар куни ишга,  
ўқишга бориш бориш учун  
метрога тушади.

Миржалол МАҲКАМОВ,  
тайёрлади



— Сўнги пайтларда юз бераётган носозликлар нафақат йўловчиларни аввало метрополитен ходимларини сергаклантирди. Бундай кўнгилсизликларнинг асосий сабаби аввало Тошкент аҳолисининг кун сайин ортиб бориши ва мавжуд вагонларнинг хизмат қилиш муддатлари эскиргани билан боғлиқ. Айнан мана шу сабаблар туфайли йил бошидан бери йўналишларда ўнга яқин носозликлар юз берди. Мана шундай кўнгилсизликларга барҳам бериш ниятида ўн тўртта янги ҳаракат тартибларини сотиб олиш ва эски ҳаракат тартибларини босқичма-босқич фойдаланишдан чиқариш режамизда бор.

Тўйчи Мирзаев,  
Тошкент метрополитени ДУК матбуот хизмати раҳбари



— Тўғриси, метрога тушганимга жуда кўп йиллар бўлди. Метрода ёшлик йилларимиз билан боғлиқ эсдаликлар бор. Ўша пайтларда энг қулай транспорт ҳам метро эди. Яна бир пайтлар метрода юриш «мода» ҳам эди. Адашмасам, сўнги 30 йилдан бери автомашинада юраман. У пайтлар кийимларимизнинг чўнтакларидан албатта темир жетонлар бўларди. Кейин у темир жетонлар кўк рангли елим жетонларга айланди. Адашмасам ҳозир метрополитенда худди автобуслардек қоғоз чипталардан фойдаланади. Насиб, албатта Тошкент метрополитенини набираларим билан бир айланиб, янги бекатларни саёҳат қиламиз.

Азим Муллахонов,  
Ўзбекистон ва Қозоғистонда хизмат кўрсатган артист



— Мен учун метро — ёшлик! Мен 1977 йилнинг 6 ноябрида Халқлар дўстлиги майдонида бўлиб ўтган Тошкент метросининг очилиш тадбирида қатнашганман. Тадбирда бастакор Икромжон Бўронов бошчилигидаги ҳарбий ансамблда «Тошкент метроси» таронасини куйлаганим ҳам ёдимда. Ҳозирги кунда асосан автомашинада юраман. Охириги марта қачон метрога тушганимни эслай олмайман. Лекин ер ости уловининг шовқини, ҳиди ҳаммаси ёдимда. Метрода одамлар оқиб келаётганга ўхшайди. Айниқса Пахтакор бекатида одам кўп бўлар эди. Алишер Навоий бекатидаги тасвирлар жуда дид билан ишланган. Албатта, бу интервьюдан кейин бир метрода шаҳар айланишни ният қилдим.

Тургун Бекназаров,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист,  
«Меҳнат шухрати» ҳамда «Дўстлик» ордени соҳиби



— Метро очилган йиллари мен мактаб ўқувчиси эдим. Ўқитувчимиз билан бирга метрога саёҳат қилганимиз ҳамон эсимда. 1982 йилда «Тошкент давлат театр ва рассомчилик институти»га ўқишга кирганман. Ҳам ўқиб, ҳам телевидениеда ишлар эдим. Айниқса, иккинчи Ўзбекистон йўналишининг ишга тушиши менинг манзилимни янада яқин қилган. 1984-1986 йилларда метродан мунтазам фойдаланганман. Кейин шахсий автоуловдан фойдаландим. Айни кунларда машинамни сотганим сабабли бир ойдан бери метродан фойдаланаяпман. Йўловчилар аввалги йиллардан анча кўп, йўлақлар тиқилди. Ер усти ҳалқа йўлида кундузги поездлар интервали жуда узун экан, ўзим 8 - 10 дақиқа кутдим. Менимча, метрога хос интервал кўпи билан 4 - 5 дақиқа бўлиш керак. Яна эътиборимни тортган жиҳат, авваллари бекат номлари таниқли устоз суҳандонлар овозларида янгради. Эсимда устозимиз Раъно Жўраева ҳам метро бекатларини эълон қилар эди. Ниҳоятда чиройли овоз, тўғри қўйилган ургулар... қандайдир виқор бор эди. Ҳозирги эълонларни эшитсам, худди робот ўқиётгандек туюлади. Мени яна бир ҳолат қувонтирди, пенсионер йўловчилар 10:00 дан 16:00 гача бепул метродан фойдаланиши мумкин экан. Ҳозир нафақадан ва шу вақт оралигида метродан бепул фойдаланаяпман. Бунинг учун барча мутасаддиларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Мавлуда Аҳмедова, суҳандон

## МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИДА ШАФФОФЛИК

Тошкент шаҳар ҳокимлигида  
Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси Сенати Кенгашининг  
«Халқ депутатлари маҳаллий  
Кенгашлари фаолиятига  
«Рақамли халқ депутатлари  
Кенгаши» комплекс ахборот  
тизимини татбиқ этиш  
тўғрисида»ги қарорига мувофиқ  
ўқув-семинари ташкил этилди.

Халқ депутатлари туманлар маҳал-  
лий Кенгашлари котибият мудирилари  
ҳамда ходимлари иштирок этган тад-  
бирда «UZINFOCOM»нинг етакчи мута-  
хассислари синов тариқасида ишга ту-  
ширилган «Рақамли халқ депутатлари  
Кенгаши» комплекс ахборот тизимидан  
фойдаланиш тартиб-қоидалари хусуси-  
да атрофлича маълумотлар беришди.

Семинарда таъкидланишича, интернет  
тармоғи ривожланган бугунги даврда «Ра-  
қамли халқ депутатлари Кенгаши» лойи-  
ҳасининг ўрни беқиёс. Лойиҳа маҳаллий  
вакиллик органлари фаолиятига замона-  
вий ахборот технологияларини тўлиқ жор-  
ий этиш, маҳаллий Кенгашлар йиғилиш-  
ларини ўтказишда ортиқча сансалорлик-  
ларни бартараф этиш, маҳаллий бошқар-  
ув фаолиятига ахборот технологияла-  
рини кенг татбиқ қилиш, ҳудудий ижро  
органларини назорат қилиш доирасида-  
ги ҳисоботлар, қарорлар, сўровлар ва  
бошқа ҳужжатлар ҳамда уларнинг бажа-  
рилиши ҳақидаги маълумотларни эълон  
қилиб бориш амалиётини жорий этиш-  
ни назарда тутди.

## ПОЙТАХТДА ҚИЗЛАР УЧУН UNISAT 2.0 ИККИНЧИ КОСМИК ДАСТУРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА.

Тошкентда фан, технология,  
муҳандислик ва математикага  
қизиқувчи қизлар учун  
Иккинчи халқаро UniSat  
дастури ташкил этилди.

Танлов иштирокчилари — Ўзбекистон-  
нинг барча ҳудудларидан келган 15-24  
ёшдаги қизлар бўлиб, улар ўзларининг  
дастурлаш, радиоэлектроника, маълумот-  
лар таҳлили, астрономия, иқлим ўзгари-  
ши, 3D моделлаштириш ва муҳандислик  
бўйича билимларини ошириш билан бир-  
га жамоада ишлаш ва лойиҳаларни бо-  
шқариш кўникмаларига эга бўлмоқдалар.  
Шунингдек, профессионал муҳандис ва  
дастурчилар кўмағида нанойўлдошни  
лойиҳалаштириб, йиғилиш ҳамда стра-  
тосферага учирини ўрганадилар.

Биринчи нанойўлдош жорий йилнинг  
май ойида Навоий вилоятида UniSat би-  
ринчи танловининг 20 нафар финалчиси  
томонидан учирилган: у тахминан икки  
соат давомида стратосферада бўлиб, 11,6  
км баландликка кўтарилган ва ҳаво бо-  
сими, ифлосланиш ва намлик бўйича қим-  
матли маълумотларни узатган, уларнинг  
таҳлили лойиҳа натижаларини умумлаш-  
тирувчи тадқиқот ишини яратиш имко-  
нини берди. Янги наносунъий йўлдош-  
ни Ўзбекистондаги эксплуатацион май-  
донлардан аэронавигация хизматлари му-  
тахассислари назорати остида учирини  
2023 йил 12 апрелда режалаштирилган.

## «Craft Fair Uzbekistan 2022»

Пойтахтимиздаги  
«Ўзэкспомарказ»да «Craft Fair  
Uzbekistan 2022» халқаро  
ҳунармандчилик кўргазмаси бўлиб  
ўтди.

Бу ерда Ўзбекистоннинг барча  
ҳудудларидан, шунингдек, Россия,  
Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон,  
Афғонистон, Покистондан келган ама-  
лий санъат усталари ўз ижод намуна-  
ларини намойиш этдилар.

Ярмаркага иштирокчилари ҳунарман-  
дчилик маҳсулотларини томоша қилиш  
билан бирга яқинлари учун янги йил  
совғаларини ҳам харид қилиш имко-  
ниятига эга бўлдilar.

Шоҳида АБЗАЛОВА,  
тайёрлади

ХУКУК



**Бугунги куннинг шиддати ҳар бир соҳага янги талабларни қўймоқда. Чунончи, Ўзбекистон аҳолисининг 57,2 фоизи меҳнатга лаёқатли саналади. Ҳар кимнинг меҳнат қилишга бўлган қобилиятини тасарруф этиш, қонун асосида фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳам ўта муҳимдир. Аини жиҳатлар жорий йилнинг 28 октябрь куни Президентимиз томонидан имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун билан Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексига ўз аксини топган.**



## ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАЙДИГАН ХУЖЖАТ

Хужжатнинг 1995 йилдаги биринчи таҳриридан фарқли равишда, янгисида мажбурий меҳнатни тақиқлаш, ходимнинг ҳуқуқий ҳолати ёмонлашишига йўл қўйилмаслик, яқка тартибдаги меҳнатга ва улар билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш принциплари белгилаб берилди. Уни ишлаб чиқишда Халқаро меҳнат ташкилотининг 90 дан ортиқ конвенциялари ҳамда 60 дан зиёд хорижий давлатлар тажрибалари чуқур ўрганилди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати  
Елена Компольшик

— *Меҳнат кодексининг янги таҳририда ходимнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қоидалар ўз аксини топган. Халқимиз, айниқса, хотин-қизлар меҳнат жараёнида ўзларини эркин ва қулай ҳис қилишлари учун бир қатор янги қоидалар жорий этилмоқда. Масалан, мослашувчан иш вақти белгиланмоқда, яъни ходимларга иш кунининг бошланиши ва охирини мустақил равишда тартибга солишга руҳсат берилади.*



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати  
Дилмурод Исmoilов

— *Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини кўриб чиқиш жараёнида халқаро меҳнат ташкилотининг тавсиялари, шунингдек, парламентимиз ратификация қилган халқаро шартномалар ҳам инобатга олинди ва бугунги кунда ушбу халқаро нормаларни кодексга жорий этиш зарурати пайдо бўлди. Янги Меҳнат кодексига меҳнат муносабатлари иштирокчилари, яъни иш берувчи ва ходимнинг, уларнинг вакиллик органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, ижтимоий шериклик соҳасида янги бўлган бундай нормаларни белгилаб берувчи кўлаб янгиликлар киритилди. Кодексни тайёрлашда нафақат давлат идоралари, балки нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, касаба уюшмалари ходимлари ҳам иштирок этди. Йирик ташкилотларнинг иш берувчилари эксперт сифатида тақриф қилинди.*

Кодекс меҳнат ҳуқуқининг айрим институтларига бағишланган ва бандлик, индивидуал меҳнат муносабатлари, ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат низоларини кўриб чиқиш каби янги нормаларни ўз ичига олган.

Янги таҳрирдаги кодексда иш берувчининг мажбуриятлари янада кен-

гайтирилган ва 25-моддада алоҳида ўз ифодасини топган. Иш берувчи Меҳнат тўғрисидаги қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга, меҳнат шартномалари шартларига риоя қилиши шарт. Болалар меҳнатининг мажбурий ва оғир шаклларига йўл қўйилмайди. Ходимларни ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасини, шунингдек иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашни таъминлаш масаласи ҳам ҳуқуқий жиҳатдан ўз ечимини топган.

Бошқа тузилмалар каби, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ходимлари мазкур ҳужжатга киритилган янгиликларнинг мазмун моҳиятини кенг аҳолига тушунтириш ишларида фаол иштирок этмоқда.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу пайтгача олий ўқув юртлирида кундузги бўлим талабаларини ишга жойлаштириш мумкинми, деган савол туғилар эди. Янги таҳрирдаги кодексга кўра энди олий ўқув юртининг кундузги бўлимда ўқиётган талаба билан муддатли меҳнат шартномаси тузилиши ва ишга олиниши мумкин. Яна бир жиҳат фарзандлар тарбияси билан банд бўлган оталар билан боғлиқ. Эндиликда фарзандини уч ёшга тўлгунга қадар тарбиялаётган ота ҳам оналарга бериладиган кафолат ва имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Иш берувчи бундай тоифадаги шахсларни ишга қабул

қилишни рад этиши мумкин эмас.

Шунингдек, кодексдан “Ходимнинг пенсия ёшига етганлиги муносабати билан иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш” асоси чиқариб ташлангани, меҳнат таътилининг минимал давомийлиги календарь кунларда, яъни амалдаги 15 иш куни ўрнига 21 календарь кунини ташкил қилиши, вояга етмаган шахслар меҳнати тўлиқ тартибга солингани, ёшлар учун қўшимча кафолатлар мустаҳкамлаб қўйилгани диққатга сазовордир. Бу каби қатор янгиликлар ишчи ва ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши билан бирга улар ўз меҳнатларидан қониқиш ҳиссини туйишларига ва муносиб дам олишларига ҳуқуқий асос бўлади.



Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Меҳнат муҳофазаси давлат инспектори  
Нозима Сулаймонова

— *Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига ходимлар ва иш берувчиларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари 4 та моддада янада аниқ белгилаб берилган. Масалан, 21-22-моддалар ходимларнинг, 24-25-моддалар эса иш берувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига қаратилган. Янги меҳнат кодексига янги талаблар, жумладан, уй меҳнатини ташкил этишда хавфсизлик талаблари киритилди. Бу одатда бизнинг меҳнат қонунчилигимиздаги янги меъёр бўлиб, унда уй ишини ташкил қилишда, кимёвий хавфли компонентлардан фойдаланиш мумкин эмаслиги, энергияни кўп талаб қиладиган асбоб-ускуналар ёки технологик, техник жиҳатдан мураккаб ускуналардан фойдаланиш мумкин эмаслиги аниқ белгиланган. Амалдаги меҳнат кодексига боқувчисини йўқотганлик учун тўланадиган тўловлар 16 ёшгача берилар эди. Агар у кундузи ўқув шаклида ўқиса, у ҳолда 18 ёшгача эди. Янги меҳнат кодексига энди бу ёш чегараси узайтирилиб 23 ёшга етказилди.*

Хулоса ўрнида айтиш керакки, келгуси йилнинг апрель ойида кучга кирадиган янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси бугунги кун меҳнат муносабатлари талабларини кенг миқёсда қамраб олгани ва кўп жиҳатдан ходимлар, яъни меҳнатқашлар манфаатларининг устуворлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Фафур ЖАМОЛОВ,  
журналист

## ҚИҒИР ЙЎЛНИ ТАНЛАМАНГ!

**“Чуқурсой” божхона постида салкам 23 млрд. сўмлик ҳуқуқбузарлик ҳолатларига чек қўйилди**

Яширин иқтисодийтни қисқартириш божхона органлари олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Бу борада Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, бошқарманинг “Чуқурсой” божхона постида навбатдаги қонунбузилиш ҳолатлари фош этилди.

Унга кўра, хориждан келтирилган транспорт воситаси белгиланган тартибда божхона назоратидан ўтказилди.

Эркин муомалага чиқариш божхона режимида расмийлаштириш учун тақдим этилган божхона юк декларацияси, унга тегишли ҳужжатлар ва транспорт воситаси кўриқдан ўтказилганида, **ҳужжатларда мазкур транспорт воситаси 2015 йилда ишлаб чиқарилган дея кўрсатилган бўлсада, бироқ олиб борилган текширувлар ҳамда ўтказилган экспертиза натижаларига кўра, мазкур транспорт воситаси 2014 йилда ишлаб чиқарилганлиги тасдиқланди.**

Натижада, божхона расмийлаштирувида ушбу транспорт воситасига нисбатан қўлланилган 515 млн. сўмлик имтиёزلар бекор қилинди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 2025 йил 1 январга қадар юк ташиш учун мўлжалланган, ишлаб чиқарилганига 7 йилдан ошмаган белгиланган турдаги транспорт воситаларини импорт қилишда божхона божи, утилизация ҳамда автотранспорт воситаларини сотиб олганлик учун йиғимлар ноль ставкада қўлланилади.

Юқоридаги ҳолатда транспорт воситаси эгаси уддабуронлик билан божхона тўловларини тўлашдан қочишга уринган.

**Навбатдаги ҳолатда**, хориждан юк контейнерида келтирилган ва божхона расмийлаштируви давомида автоматик тарзда “қизил” йўлакка йўналтирилган 2 турдаги синтетик ва тўқимачилик мато товарлари божхона кўригидан ўтказилди.

Натижада салкам 6.5 тонна матолар ҳужжатларда кўрсатилмаганлиги, шунингдек божхона юк декларациясида кўрсатилганидан ортиқча миқдорда эканлиги аниқланди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра мазкур товарларнинг умумий қиймати 1,8 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

Агарда тадбиркор мазкур товарларни қонуний йўл орқали олиб кирганида 160 млн. сўм миқдорда божхона тўловлари давлат бюджетига ундирилар эди.

**Навбатдаги ҳолатда эса**, хориждан келтирилган юклар божхона кўригидан ўтказилганида, юк контейнерида ҳужжатларда қайд этилмаган 13 турдаги тиббий техника буюмлари борлиги аниқланди.

Мазкур товарларнинг қиймати 1 млрд. 633 млн. сўмни ташкил этади.

Статистик маълумотларга кўра, “Чуқурсой” божхона пости ходимлари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 434 та ҳолатда 22 млрд. 866 млн. сўмлик товар-моддий бойликларнинг юртимиз худудига ноқонуний олиб кирилишига чек қўйилган.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона органлари томонидан текширув ва суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати

## Кенгаяётган Тошкент



Қадимий ва ҳамиша навқирон Тошкент йил сайин эмас, кун сайин ўзгариб бормоқда. Афсус билан қайд этиш керакки, Пойтахтимиз навқиронлиги нишонаси бўлган яшиллик майдони бинолар кенгайиши сабаб камайиб бормоқда.

Тошкентда олиб борилган фаол қурилиш ишлари натижасида янги кўп қаватли уйлар пайдо бўлмоқда, бизнес марказлари, савдо комплекслари ва турли-туман хусусий ва давлат объектлари қурилмоқда. Бугунги Тошкентни катта қурилиш майдони десак адашмаймиз. Деярли ҳар бир кўчада бир қурилишга дуч келамиз, шундай эмасми?

Яқинда бир лойиҳага дуч келдим. Бу "Age Tashkent" лойиҳаси бўлиб, у пойтахтдаги қурилишлар жараёнларини онлайн кузатиш имконини беради. Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Рақамли ривожланиш департаменти мутахассислари Тошкентнинг кўп қаватли уйлари тарихини ўрганиш ва Ўзбекистоннинг пойтахти қанчалик тез кенгайиб бораётганлигини кўриш учун тадқиқот ўтказишган. Улар Тошкент шаҳрининг бой меъморчилик тарихини ва маданий меросини кўриш ва уни ҳаққоний баҳолаш имконини берадиган маҳсулотни тақдим этишган. Айрим маълумотлар билан таништириб ўтамиз:

### Кўп қаватли уйлар тарихи



Лойиҳа муаллифларининг қайд этишича, Тошкентда кўп қаватли уйлар қуриш одатга айланганига анча бўлган – 1950 йиллардаёқ пойтахтда йилига 100 та кўп қаватли уйлар қурилган. Вақт ўтиши билан, бу тенденция сустралгандек бўлди, аммо 1966 йилдаги фожиали зилзиладан сўнг бу кўрсаткичлар янада

нига 500 дан зиёд янги кўп қаватли уйлар қурилган.

Айни пайтда, кўп хонадонли уйлارни қуриш суръати яна пасаймоқда, лекин, эҳтимол, яна бир неча йилдан сўнг кўп қаватли уйлارнинг қурилиши «авжига чиқиши» мумкин. Бунинг учун зарур шарт-шароитлар етарли: масалан, «Янги Ўзбекистон» боғи худудида

яъни уларнинг чидамлилигини ошириш учун мустақамроқ материаллар зарур.

Фақат сон эмас, майдон ҳам ўсмоқда: Одамлар каттароқ, кенгроқ хоналарни исташади

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2019 йилда 1966 йилга нисбатан 200 тага камроқ кўп қаватли уй қурилган, бироқ турар-жой май-

қурган тадбиркор ҳам кўпроқ хонадон сота олади, камроқ ер банд қилинади.

"Age Tashkent" мутахассислари бу борада ҳам ўрганиш олиб боришган. Таъкидланишича, одамлар яшаши учун осмонўпар бинолар қуриш 2020 йилда жадаллашди – айнан ўша пайтда 12 қаватдан юқори бўлган кўп сонли кўп қаватли уйлар қурилиши бошланган. Унгина Ўзбекистон пойтахтида фақат 30 га яқин шундай уй бор эди.

### Қаватлари бўйича инфографика.

Дастлаб, 50 йилларнинг бошидан 1966 йилгача икки қаватли уйлар жуда машхур эди, 60 йилларнинг охиридан 80 йилларнинг бошигача эса тўрт қаватли уйлар кўпроқ қурилган.

Ундан сўнг беш қаватли уйлар ва кейин дастлабки 9 қаватли уйлар пайдо бўла бошлади.

Тошкентда хусусий уй-жойларнинг сони сони 175 600 тани ташкил этади. Мутахассислар 2019 йилдан шу пайтгача қурилган барча янги бино ва объектларни харитада акс эттирган. Натижада харитага 336 152 объект чизмаси киритилди. Маълумотларга қараганда, Тошкент худуди 1917 йилдан буён 3 бараварга кенгайди – 15 минг гектардан камроқ худуд эндиликда салкам 44 минг гектарга етди.

Қайд этиш лозимки, уй-жойлар сони йил сайин ортиб бормоқда, ҳар йили минглаб хонадонлар эгаларига топширилади. Лекин нарх-наво ҳам баробар ортиб борапти. Шу сабабли уларни сотиб олишга ҳамманинг ҳам имкони йўқ. Бунда кўпчилик ипотека кредитлари ёки бўлиб тўлаш имкониятлари билан қизиқа бошлашади. Қайси бири афзал? Газетамизнинг кейинги сонларида бу ҳақида алоҳида мақола берамиз.

Нозима ТОШПҮЛАТОВА,  
журналист

## ЯНГИ УЙЛАР ЯХШИ УЙЛАР...(МИ)

юқорилаб кетди. Тошкентда кўп қаватли уйларнинг аксарияти — 632 таси 1966 йил — кучли зилзила содир бўлган йилда қурилган. Ўшанда уйлар икки қаватли, кўпи ёғочдан қурилган. Қизиқарлиси нимада биласизми, 2019 йилга келибгана бу рекорд янгиланай деган ва шаҳарда 463 та уй пайдо бўлди, улар асосан етти қаватли бўлиб, ғишдан қурилган.

### Йиллар бўйича қурилган уйлар сони

Табиий офат юз берган йили Тошкентда 600 дан ортиқ кўп қаватли уйлар қурилган бўлса, шу пайтдан бошлаб, 2000 йилларнинг бошларигача қурилиш ишлари деярли тўхтамаган. Фақат XXI аср бошида қурилишлар сони камайиб кетди. Аҳоли сони ўсгани сайин эҳтиёж ҳам ошиб бораверган. Ана шу йиллардаги эҳтиёж сабаблими, қурилиш ишлари ҳамон жадал давом этиб бормоқда.

Хронологияга қараганда 2018-2019 йилларда бирда-

янги турар-жой мавзелари қурилиши режалаштирилган.

Уйлارни қуришда қандай қурилиш материаллари ишлатилган?

Тадқиқотчилар хулосасига қараганда, йилдан йилга қурилиш материалларини танлашга ёндашув ҳам ўзгариб борапти. Бу қурилиш ишларининг тезкорлиги ва иқтисодий вазият билан боғлиқ. Масалан, 1966 йилда, кўп ва тез уй қуриш вазифаси кўйилганда, унгина ҳам, кейин ҳам деярли ишлатилмаган материал – ёғочдан фойдаланилган. 60 йилларнинг охиридан 2000 йилларгача эса кўп қаватли уйлар қурилиши ҳақида сўз кетганда, пишиқ ғишдан кўра, бетон кўпроқ қўлланилган.

2018 йилдан бошлаб эса, Тошкентда кўп қаватли уйлар панелли темир-бетондан бунёд этилмоқда. Бу, асосан, замонавий биноларнинг баландроқ ва кенгроқ бўлиши билан боғлиқ,

дони бўйича замонавий бинолар тарихий биноларга деярли етиб олган: 880 минг кв.м.га нисбатан 826 минг кв.м.


### Топширилган турар жой майдонлари

Ўрта ҳисобда 1960 йиллардан бошлаб, Тошкентда ҳар йили янги кўп қаватли уйлар ҳисобидан 300 минг кв.м.га яқин турар-жой майдони кўшилган. Лекин 2004 йилдан 2008 йилгача бундай қурилишлар деярли бўлмаган – кўп қаватли уйлар қурилишида ҳақиқий сукунат кузатилган.

### Қанча баландроқдан қузатсангиз, шунча яхшироқ...

Кўчаларни тобора тўлдириб бораётган машиналар, ҳар сонияда уларнинг сигнал беришидан чарчаган одамга баландроқда яшаш қулай бўлса керак. Қолаверса уй қанчалик баланд бўлса уни





ХИКОЯ

Санжар акам ювиниб чиқиб, дастур-хонга юзланди. Косадаги таомни олди-да кўйдиму, бошқа хонага ўтдим.  
— Мен билан ўтирмайсанми? — деди эрим ортимдан.  
— Йўқ, ўтириб нима қилдим. Бариб гаплашмайсиз-ку... — деганча юмшоқ ўриндиққа чўқдим. У индамади. Аммо мен унинг нимадир дейишини кутаман. “Кел, сени соғиндим. Кун бўйи сени ўйладим”, деса қанийди? Йўқ, у ҳам жим, мен ҳам... Телевизор пультамини босаман. Экранда чиройли хонанданинг овози янграйди.

**Энди менинг қалбима муҳаббат ўт ёқмайди,  
Юрагимда бир тош бор эрмайди,  
оқмайди...**

Хаммаси курсдош дугонанинг бир-гина кўнғироғи туфайли бошланган эди. Ишдан қайтиб, кечки таомни тайёрладим. Эрим ишдан кеч қайтади. Шу боис ўзим тезда тановул қилдим — да, телевизор қаршисига ўтирдим. Шу заҳоти телефоним жиринглади, жавоб бердим. Курсдошим Озода экан. Негадир кўнглим гаш бўлаётгани боис бу кўнғирокдан шодландим.

— Насиба, эсизгина, ўн йилликка бекор бормадинг. Хамма курсдошлар келишди, фақат сен йўқсан, — астойдил куюниб гапирди дугонам Озода.

— Биласанку, эрим боришга рухсат бермади, — дедим унга жавобан.

— Хе, ўргулдим шу рашкчи, бадфеъл эрингдан. Сени биров олиб кетармиди? Ҳа— я, Хуршид сени сўради... — бу исми эшитиб, кўнглим алланечук бўлиб кетди.

— У ҳам келдими? — сўрадим сенингина.

— Ҳа, келди. Айтишчи, хотини билан ажрашаётган экан. Мурса қилишолмаганмиш. Телефон рақамингни сўради. “Халиям ўша рақамда”, дедим. Ёдида экан... Ўзинг ҳам шундай йигитга тегмагандинг. Мана, танлаб-танлаб тозисига учрадинг. На бирор жойга жўнатади, на ўзи олиб боради... — асабий тарзда гапирди дугонам.

— Кўй, ундай дема, ўзи олиб боради, — дейман унга ичимдаги оғриқларни билдирмаслик учун.

— Хуршид сени кўп эсларкан. Баъзан гаплашгим келади, деди. Балки кўнғирок қилар. “Эрининг феъли чаток, эҳтиёт бўлинг”, деб огоҳлантирдим. “Йўқ, овозини эшитсам бўлди”, деди. Сўнг “Бахтлими?” деб сўради.

— Сен нима дединг? — дейман гўшакни қаттиқроқ қулоғимга босиб.

— Нима дердим, борини айтдим — унинг гапини охиригача эшитолмадим. Эшик кўнғироғи босилди.

— Майли, кейин гаплашармиз, — деганча гўшакни қўйиб, эшик томон шилдим. Остонада умр йўлдошим ҳар доимгидек қовоғини солиб турарди.

— Тинчликми? Намунча эшик очилиши кийин? — сўради менга синовчан тикилиб.

— Ҳа, тинчлик. Озода билан гаплашаётгандим. Курсдошларнинг ўн йиллиги ҳақида айтиб берди...

— Ҳм... ичинга олов ёқмоқчи бўлибди-да.

— Нима? — шошиб қолдим. Хаёлан гапимизни эшитиб қолгандек туюлди. Чиндан ҳам Хуршиднинг исмини эшитиб, ичимга олов ёқилгандек бўлганди. Эримни зимдан кузатаман. “Ишкилиб, сездириб қўймадимми?” дейман ўзимга ўзим.

— Бормадинг, зўр бўлди дегандир-да... — деганча ётоқхонага кийимларини алмаштиришга кириб кетди.

— Ҳа, — деганча ошхонага ўтдим. Ортиқ гапирмадим. Аслида шундай тадбирга юбормагани учун ундан ранжигандим. Рост-да, тўрт йил бирга ўқиб қадрдонга айланган чехраларни кўргим келганди. Бироқ у истамади. Беш йилдан буён бирга яшаётган бўлсак ҳам хануз бир-биримизнинг феъл-атворимизни тушунолмаймиз. Иккимиз икки олам. Гап-сўзимиз, дунёқарашимиз ҳам икки хил. Бироқ биз бир оила бўлиб яшаймиз. Бу эркак билан яшаш баъзан менга оғирлик қилади.

Кўшиқни тинглаб, хаёлга чўмдим. Беш йилдан буён аҳвол шу. Ҳеч бир гап-сўзсиз яшаймиз. Аввалига унинг феълига кўникишим жуда қийин бўлди. Табиатан шаддоод ва шўх қиз эдим. Унга тинмай савол бераверардим. Эрим эса ўнтадан бирига жавоб берарди, холос. Турли мавзуларда суҳбатлашини истардим. Бироқ у оғир табиат бўлгани учун гапиришни истамасди. “Нега тақдир мени бундай инсонга рўпара қилди?” деб тинмай йиғлардим. Ҳатто ажрашгим ҳам келарди. Аммо нимадир тутиб турарди. Қолаверса, беш йилдан

ётганини айтиб, машинасида ишхонамга ташлаб ўтгани учун ёмғир томчиларини кузатишга фурсат бўлмади. Негадир юрагим сиқиларди. Иш столимдаги қоғозлар асабимни баттар кўзғатди. “Иш, иш, иш... жонга ҳам тегди”. Аста дераза ёнига бориб ёмғирни томоша қила бошладим. Шу маҳал кўл телефоним жиринглади. Яна яширин рақам. Тугмани босиб, қулоғимга тутдим.

— Алло... —

Нариги томондан шатир-шутур қилиб урилаётган ёмғир томчиларининг овози келди.

— Алло ким бу? — такрор савол бердим. Аммо жавоб ўрнига бир неча сония ёмғир симфонияси эшитилди. Ким бўлса ҳам менга табиатнинг энг гўзал куйини улашди. Бир неча сония янграган бу куй асабларимни тинчлантирди, кўнглимга ёруғлик солди. Ёмғир симфониясини эшиттирган нотаниш кимсадан ич-ичимдан миннатдор бўлдим. Эндигина оғиз жуфтлаб “Раҳмат”, демокчи эдим, гўшақ жойига қўйилди.

Уйда кечки овқатни тайёрларканман, яна ўша сирли одам кўнғироқ қилди. Бу гал у кўчадаги машина шовқинини тинглашимни истади. Бир муддат автотомбиллар сигналларига қулоқ тутиб: — Кимсиз? — дея савол бердим. Аммо жавоб ўрнига алоқа узилди.

## НОТАНИШ ҚЎНҒИРОҚ

буён Яратган ҳам бизни фарзанд билан сийламади. Манаман деган шифокору табиблар ҳам “Иккинги ҳам соғсиз, кутинглар”, дейишдан нарига ўтишмаса... Балки шу сабаб ҳам бир-биримизга гапимиз камдир...

**Энди ўтлик сўзларим бирор дилни ёқмайди,  
Юрагимда бир тош бор эрмайди,  
оқмайди...**

Кўшиқни тингларканман Хуршид ёдимга тушди. Роса тўрт йил ортимдан юрган-ди. Менинг ҳам кўнглим бор эди унда. Аммо ота-онам бошқа вилоятда яшаркан, деб розилик беришмади. Афсуски, унга ҳам бахт қулиб оқмабди, менга ҳам...

— Мен еб бўлдим. Йиғиштириб ол, — деганча телевизор қаршисига ўтирди эрим. Яна сўзсиз ошхонага чиқдим. Идиш юварканман, қўл телефоним жиринглади бошлади. Дарров рақамига қарадим. Яширин экан. Ажабланиб тугмани босдим.

— Алло...  
—... — у ёқда жимжитлик.  
— Алло, ким у? Гапиринг...

Оғир хўрсиниқ эшитилди. Сўнг алоқа узилди.

— Ким экан? — сўради эрим ичкаридан.

— Ҳеч ким... адашиб тушди, шекилли. Ё овозим ёқмадим, гапирмади... — дафъатан хаёлимга келган ўйдан кўрқиб кетдим. “Хуршид бўлса-я”... Охирги пайтларда бундай сирли кўнғироклар икки-уч бор такрорланаётганди. Аҳамият бермагандим. Бироқ бугун Озоданинг гапидан сўнг негадир Хуршид кўнғироқ қилаётган бўлса керак, деб ўйлай бошладим. Унинг шундай одати бўларди. Ўқиб юрган кезларимиз кўнғироқ қиларди-да, ё ёмғир овозини ёки сукунатни эшиттирарди. Эртаси куни эса “Ёқдимми?” деб сўрарди. “Нега бундай қиласиз?” десам, “Сенинг овозингни тинглашни истайман”, дерди. Ўз хаёлларимдан уялиб кетдим. Худди айб устида қўлга тушган ўғридек атрофга алангладим. Оёқ учидега юриб Санжар акам ўтирган хонага мўраладим. У берилиб телевизор кўрарди. Яна кўнғироқ бўлишини кутдим. Йўқ, телефон қайта жирингламади.

— Алло... — жавоб ўрнига болаларнинг шодон қийқириги эшитилди. Йиғлаб юбордим. “Қанийди менинг ҳам болам бўлганида эди... Ахир ким экан бу кимса? Нега ўйин қилади?” Кўнглимда дарҳол қоғоздаги рақамларга қайта кўнғироқ қилиш истаги туғилди. Бироқ телефонимда “Шифокорим” ёзуви пайдо бўлгач, кеча унинг ёнига боришим кераклиги ёдимга тушди. Икки-уч кундан буён ўзимни жуда ҳолсиз сезаётгандим. Балки баҳорнинг таъсиридир бу. Аслида эрта баҳор инсонни бироз лоҳас қилади-ку...

Шифокор хузуридан чиқарканман, ўзимни қушдек энгил ҳис қилардим. У менга дунёнинг энг қувончли хабарини маълум қилганди. Мен ҳам оналик

Сирли кўнғироқ эгаси кимлигини билолмасдим. У бир кунда икки маҳал кўнғироқ қиларди. Қандайдир овозлар ёки хўрсиниқ эшитиларди баъзан. Хаёлан бу Хуршиднинг иши эканлигини билиб турардим. Аммо... рости, уч кун ичида бу кўнғироққа шу қадар ўрганиб қолдимки: Агар телефон жирингламаса уни кутадиغان бўлиб қолдим. Нотаниш кўнғироқ ҳақида умр йўлдошимга айтиш учун оғиз жуфтладим-у, бироқ чўчидим. Балки нотўғри тушунар... “Ким ҳам сенинг телефонингга қиларди, бирор танишингдир-да”, деб қолсачи... аммо бу кўнғироқ менга кайфият бахш этарди. Негадир ўзимни кимгадир керакдек ҳис қилардим, гўё...

Уч кундан сўнг яширин рақамлар эгаси кимлигини билишга бўлган қизиқшим шу қадар ортиб кетди. Ўйлай-ўйлай дугонам Озодага кўнғироқ қилдим.

— Озо, Хуршиднинг телефон рақамини биласанми? — деб сўрадим.

— Билмайман, нимага? — ҳайратланди дугонам. Унга бўлаётган воқеани гапириб бердим.

— Бўлиши мумкин. Хуршид: “унга кўнғироқ қиламан, фақат овозини эшитсам бўлди”, деганди. Балки удир... яхшиси, алоқа компаниясига бор. Агар рақамга жавоб берган бўлсанг, компания компютерида рақам белгиланади.

— Қўйил-э, сенга, — қичқираёздим қувониб кетганимдан. Нега шу нарса ўзимнинг хаёлимга келмабди-я...

Эртаси куни менга кўнғироқ қилаётган сирли рақамни билдим. Қўлимдаги қоғозда менга мутлақо таниш бўлмаган рақам турарди. Демак, Хуршиднинг рақами шу бўлса керак, деб ўйладим.

Тушдан сўнг яна телефоним жиринглади. Яширин рақам.

— Алло... — жавоб ўрнига болаларнинг шодон қийқириги эшитилди. Йиғлаб юбордим. “Қанийди менинг ҳам болам бўлганида эди... Ахир ким экан бу кимса? Нега ўйин қилади?” Кўнглимда дарҳол қоғоздаги рақамларга қайта кўнғироқ қилиш истаги туғилди. Бироқ телефонимда “Шифокорим” ёзуви пайдо бўлгач, кеча унинг ёнига боришим кераклиги ёдимга тушди. Икки-уч кундан буён ўзимни жуда ҳолсиз сезаётгандим. Балки баҳорнинг таъсиридир бу. Аслида эрта баҳор инсонни бироз лоҳас қилади-ку...

Шифокор хузуридан чиқарканман, ўзимни қушдек энгил ҳис қилардим. У менга дунёнинг энг қувончли хабарини маълум қилганди. Мен ҳам оналик

бахтига эришарканман...  
Бир неча соат илгари болалар қулгусини эшитганим бежиз эмасди. Менга хайрихоҳ бўлган ким экан у? Бугун шундай қувончли хабар эшитишимни наҳот билган бўлса? Хаёлларимга ошно бўлиб пиёда юргим келди. Йўлда кетарканман, телефоним куйини чала бошлади. Санжар акамнинг мусиқаси янграганидан у эканлигини билдим. Қувончли хабарни у билан бўлишгим келди. Йўқ, яхшиси уйга борганда айтаман, дедим ўзимга ўзим.

— Кўчадаман, пиёда келаётгандим, — дедим унга жавобан.

— Ҳали кечки овқатни ҳам тайёрламабсан-ку, такси тўхтаиб кел. Қорним роса оч... — алоқа узилди. Ич-ичимдан хўрлигим келди. Бу одамга мен фақат овқат тайёрлаш, кир ювиш, уй тозалаш учун керакман, холос. Кўнглимда нелар кечаётгани билан иши йўқ. “Нима бўлди? Нега пиёда келяпсан?” деб сўрамади ҳам. Кўзларимдан томчилар думалай бошлади.

Уй эшиги очик эди. Эрим асабий тарзда у ёқдан бу ёққа бориб келарди.

— Қаерда юрибсан, соат олтидан ошган бўлса, — остонадан кирмасимданок ўшқиринишга тушди.

— Шифокорга боргандим, — дедим ундан ранжиганимни сездириш учун.

— Вақтироқ борсанг бўлмасмиди... Қанақа хотинсан ўзи? Охирги пайтда ўзгариб қолдинг. — Ялт этиб унга қарадим. Наҳот, сезиб қолган бўлса?

— Бу нима деганингиз? Бир кунгина овқат кечикса, осмон узилди ерга тушмайдику, ҳозир тайёрлайман.

— Керакмас, мен кўчада овқатланаман. Ўзинг пишириб еявер, иштахани ҳам ўлдирдинг, — дея жahl билан эшикни ёпиб чиқиб кетди.

Йиғлаб юбордим. Бугун ўзимни энг бахтиёр аёлдек ҳис қилгандим. Шундай муҳим кунда ҳам қалбимга озор етказди-я. Ахир унга янгиликни айтиш учун бир олам гапларни ўйлаб келаётгандимку. У эса... Шу тобда қўлимдаги телефон жиринглади. Яна ўша номаълум кимса...

— Алло... — у тарафдан сокин мусиқа товуши эшитилди.

— Кимсиз, айтинг, ахир... менда нима ишингиз бор? Сизнинг кўнғироғингиз менга умид берганини биласизми? Бугун қувончли хабарни эшитдим. Мен она бўламан. Аммо буни отасига айтишга қўлларимдан эшик очилганини пайқамадим ҳам. Телефонда чақирув гудоқи кетаркан, ортимдан мусиқа эшитилди. Ўгирилдим. Эрим менга тикилиб турарди. Телефони эса тинимсиз жиринглади. Аста телефонни олиб рақамига қарадим. “Азизам”, деган ёзув турарди. Санжар акам:

— Нима дединг? — деб сўради.

— Ҳа, — дедим кўз ёшларим юзимни ювиб. — Биз фарзандли бўлаемиз.

— Худого шукр, — деганча у мени бағрига босди. Унинг кучоғидан чиққим келмасди. Пичирлаб сўрадим:

— Нега ундай қилдингиз?

У эса сочларимни силаган қўйи жавоб берди:

— Гапиролмаган гапларимни телефонда айтгим келди. Нафасингни ҳис қилишни истадим. Шунинг учун яна бир телефон ва янги рақам олгандим...

Шу лаҳзаларда мендан-да бахтли аёл йўқ эди...

Саида АЗИЗ

TOSHKENT OQSHOMI

Манзилимиз:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:  
Қабулхона (71) 233-61-10  
Реклама (71) 233-28-95

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот бошқармасида  
02-1-рақами билан рўйхатга олинган

Нашр учун масъул  
Ш. АБЗАЛОВА

Топшириш вақти 00:55  
Топширилди 03:20  
Бюджетта - 804



МУАССИС:  
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир  
Севдо НИЁЗОВА

“NISO POLIGRAF” МЧЖ босмахонаси.  
Манзил: Тошкент вилояти, Урта Чирчик тумани,  
Машъал маҳалласи, “Марказий” кўчаси, 1-уй

Ҳажми — 2 босма  
табоқ, офсет усулида  
босилди. Адади 500,  
нусха қоғоз бичими А3

Газета тахририят компьютер  
марказида саҳифаланди